ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ БАХТИЯР ИБРАГИМОВИЧ

ТАРКИБИДАОЛТИН БЎЛГАН МАЪДАНЛАРНИВА РЕНИЙ БЎЛГАН ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТЕЗКОР НЕЙТРОН-РАДИАЦИОН НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УДК 539.106., 543.52., 543.53

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавлениеавторефератадиссертации доктора техническихнаук (DSc)

Contentofthedissertationabstract ofthe doctor (DSc) on technical sciences

КурбановБахтиярИбрагимович
Таркибида олтин бўлган маъданларнива рений бўлган технологик маҳсулотларни қайта ишлашжараёнларини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услублари…… 3

Курбанов Бахтияр Ибрагимович
Экспрессные нейтронно-радиационные способы контроля процессов переработки золотосодержащих руд и ренийсодержащих технологических продуктов…….. 26

Kurbanov Bakhtiyar Ibragimovich
Express neutron-radiation methods of control processes of processing gold-containing ores and rhenium-containing technological products……. 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ……..... 57

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ БАХТИЯР ИБРАГИМОВИЧ

ТАРКИБИДА ОЛТИН БЎЛГАН МАЪДАНЛАРНИ ВА РЕНИЙ БЎЛГАН ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТЕЗКОР НЕЙТРОН-РАДИАЦИОН НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

01.04.01 –Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

Техника фанларидоктори(DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида№B2019.3.DSc/T295рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Садиков Илхам Исмаилович**
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Бахрамов Садулла Абдуллаевич**
физика-математикафанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Кулматов Рашид Анорович
кимё фанлари доктори, профессор

Олимов Косим
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарканд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-60; факс (+99871) 289-31-19; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил « » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “____”_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.Б.Игамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёдатехнологик махсулотларни қайта ишлаш жараёнларини аналитик назорат қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Фан ва техника,медицина ва қишлоқ хўжалиги, металлургия ва кимё саноати модданинг фундаментал параметри ҳисобланадиган элементлар таркибини назорат қилмасдан иш фаолияти олиб бора олмайди. Чунки модданинг барча хусусияти ва тузилиши, шунингдек уларда кечадиган физикавий, кимёвий, биологик, техник ва бошқа кўпгина жараёнлар кимёвий элементлар таркибига боғлиқ.

Дунёда хар хил материалларда элементлар таркибини концентрациянинг жуда кенг диапазонида таҳлил қилишга имкон берувчи турли хил усуллар яратилган. Аналитик усуллар орасида алоҳида ўринни элементлар таҳлилининг ядро-физикавий усуллари эгаллайдики, улар инструментал усуллар ҳисобланиб, юқори сезгирликни, селективликни таъминлайди ҳамда аналитик жараённи автоматлаштиришга имкон берадилар. Тезкор ва юқори сезгирликдаги усулларни ишлаб чиқиш соҳасидаги улкан ютуқларга қарамасдан, фаннинг, техниканинг ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина муаммолари ҳалигача ҳал этилмасдан қолмоқда. Технологик жараёнларни автоматлаштириш (айниқса кон-металлургия ва кимё саноатида), янги технологиялар яратиш, чиқадиган маҳсулотлар сифатига ва энергетик ҳамда хом – ашьё ресурсларини самарали ишлатишга бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ ҳолда технологик жараёнларни назорат қилиш муаммолари кескин қўйилган.Кўрсатилган муаммоларни ҳал этишда муҳим ўринни нейтронларнинг қамралишида чиқадиган гамма-нурланиш спектрометриясидан фойдаланишга асосланган моддалар элементлари таркибини аниқлашнинг ядро-физикавий усули (нейтрон-радиацион таҳлил усули) эгаллаши мумкин. Ядро-физикавий ва бошқа аналитик усуллар орасида ушбу усул қатор принципиал афзалликларга эга: кўпэлементли, экспресс, масофавий, намуларни бузмасдан таҳлил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси кон-металлургия корхоналарида ҳар йили ўнлаб миллион тонна олтин, уран, мис-молибден ва бошқа маъданлар қайта ишланади. Маъданларни қайта ишлашда қўлланилаётган технологияларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда тайёр маҳсулот сифати тўғридан-тўғри аналитик усуллар ва асбобларнинг даражасига боғлиқ. Бундан келиб чиққан ҳолда, кон-металлургия корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида технологик жараёнларни назорат қилиш учун аввал ишлаб чиқилган асбоблар ва усулларни такомиллаштириш, ва янги тезкор ва селектив усулларни яратиш бугунги кунда талаб этилаётган ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида[1] технологик

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ФП-4947-сонли Фармони.

махсулотларни қайта ишлаш жараёнларини назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш дастурини бажариш бўйича вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйичаҲаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1443–сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789- сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий – тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертациятадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнингII. «Энергетика, энерготежамкорлик ва мукобил энергия манбалари» ва VII. «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология и минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Нейтронларнинг радиацион қамралишида чиқадиган гамма-нурланиш спектрометриясига асосланган нейтрон-радиацион таҳлил бўйича тадқиқотлар жахоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан: Neutron Sciences at Oak Ridge National Laboratory, National Institute of Standarts and Technology, Los Alamos Sciences Laboratory, Laboratory of Radiochemistry and Activation Analisis, University of Missouri, Columbia (АҚШ), Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Дубна ш., Россия), “Курчатов институти” Илмий–тадқиқот маркази (Россия), Nuclear Physics Institute of the Czech Academy of Sciences (Чехия), Institute of Nuclear Physics and Chemistry (Хитой), Москва мухандислик физикаси институти (Россия), УМФА Ядровий тадқиқотлар институти (Украина), Ўз ФА Ядро физикаси институти (Ўзбекистан) ва бошқа илмий ва олий ўқув муассасаларида олиб борилмоқда.

Тезкор жараёнларни технологик назорат қилиш учун нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини аналитик қўллаш бўйича, жумладан руда ва тоғ жинсларини қайта ишлашда National Institute of Standarts and Technology (АҚШ) да 5 дақиқа ўлчаш вақтида асосий элементлар миқдори қониқарли параметрларда аниқланган. Neutron Sciences at Oak Ridge National Laboratory (АҚШ)да элеватор орқали тушаётган буғдой оқимида технологик муҳим элементлар миқдорини аниқлаш учун тадқиқот олиб борилган ва экспериментал қурилма яратилган. Портловчи моддалари бор юкларни аниқлаш мақсадида Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида (Дубна ш., Россия) моддалар элементлар таркибини назорат қилиш учун қурилма ва услубият ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини фан ва техниканинг турли тармоқларида қўллаш имкониятларини ўрганиш бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб борилмоқда ва булар ушбу усулнинг истиқболли эканлигини кўрсатади. Масофадан туриб ва контактсиз моддалар элемент таркиби аниқлаш талаб этиладиган ҳолатларда маҳсулотлар ва технологик жараёнларни назорат қилиш учун ушбу усулдан фойданишга бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқотлар асосан сочилувчан ва қаттиқ материаллар (масалан, кўмир, буғдой, рудалар) технологик оқимларида элементлар таркибини аниқлашга бағишланган. Биологик объектларда элементлар таркибини тадқиқ этиш алоҳида муҳим ўринни эгаллайди. Бунда олинган натижалар, жумладан "in-vivo" тахлили учун, тиббиёт диагностикасида, онкологик касалликларда нейтрон-қамралиш муолажасини амалга оширишда қўлланилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.Таркибида олтин, мис-молибден мавжуд бўлган рудаларни қайта ишлаш технологик жараёнларини назорат қилувчи ядро-физикавийуслублар ва қурилмалар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунё миқъёсидаги йирик олимлар томонидан олиб борилган, жумладан: россиялик (Л.Д.Грошев, А.М.Демидов, Л.П.Старчик, В.И.Гума, Б.Ф.Мясоедов, Ю.Н.Бурмистенко, И.Н.Иванов ва бошқалар), америкалик (F.E.Senftle, R.L.Paul, R.M.Lindstrom, G.L.Molner, A.El-Kady ва бошқалар).

Улар нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллашга асосланган модда элемент таркибини таҳлил қилишнинг ядро-физикавий усулини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ушбу олимлар томонидан нейтронларнинг модда билан ўзаро таъсирлашуви, нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясининг фундаментал асослари, қонуниятлари ва принципиал масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек ушбу инструментал методнинг бошқа аналитик методларга нисбатан афзалликлари кўрсатилган. Аммо, муаллифларнинг кўпчилик тадқиқот ишлари ушбу усулнинг фундаментал масалаларига бағишланган бўлиб, амалий тадқиқотлари асосан геологик, археологик намуналарда, тоғ жинсларида элементлар таркибини назорат қилишнинг ядро-физикавий услубларини ишлаб чиқишга, шунингдек кимёвий таркиби ва тузилиши билан бизнинг тадқиқот объектларидан фарқ қиладиган турли саноат маҳсулотларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Ўзбекистонлик олимлар (Г.А.Арипов, А.А.Кист, М.М.Усманова, Г.С.Саттаров, С.А.Бакиев, Ш.Х.Хатамов, Р.А.Кулматов, С.М.Мухамедов, Р.А.Хайдаров,А.Г.Ганиев, Т.М.Муминов ва бошқалар) турли хил объектларда, технологик жараёнларда аналитик назоратнинг ядро-физикавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари олиб боришган.Стационар лаборатория шароитида намуналар элемент таркибини таҳлил қилишнинг ядро-физикавий усулларига бағишланган ушбу ишланмалар орасида олтин рудаларини ва таркибида рений бўлган технологик маҳсулотларни қайта ишлаш технологик жараёнларини тезкор назорат қилиш учун экспресс нейтрон-радиацион услублари ва мобил ядро-

физикавий қурилмалари йўқ.

Чет элларда ўтказилган тадқиқотлар тахлили кон-металуригияси ишлаб чиқаришидаги объектларни, шу жумладан таркибида олтин бўлган сульфид рудаларини ва ренийли технологик маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнини технологик назорат қилиш учун ядро-физикавий услублар ва портатив радиоизотоп қурилмалари ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқотлар режасининг А-3.1.3.8 - рақамли «Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари технологик чиқиндиларидан қимматли металларни ажратиб олиш услубларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ва уларнинг аналитик назорат усуллари» (2000-2002);П-3.1.4.2 - рақамли «Руда ва технологик маҳсулотларда элементлар таркибини назорат қилишнинг нейтрон-радиацион усулларини ишлаб чиқиш» (2000-2002);П-10-30 - рақамли «Нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш ёрдамида технологик оқимларда (“on-line“) элементларни аниқлашнинг физико-техник ва методик асосларини ишлаб чиқиш» (2003-2005);А-13.084- рақамли «Нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси усули билан элементлар таркибини аниқлаш услубини ишлаб чиқиш». (2006–2008); А-13.113 «Рений, олтин ва бошка қимматбаҳо металларни олиш технологик жараёнларини назорат қилиш услубини ишлаб чиқиш» (2006-2008)мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида олтин бўлган сульфид рудаларини ва рений бўлган технологик маҳсулотларни қайта ишлашжараёнларини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясига асосланган элементлар таҳлили усулинирадионуклид нейтрон манбаларидан фойдаланиб технологик назорат учун аналитик имкониятларини кенгайтириш;

таркибида олтин бўлган сульфид рудаларини флотацион бойитиш жараёнидаги технологик маҳсулотларда технологик муҳим элементларни (олтингугурт) ва намликни аниқлаш услубиятларини ишлаб чиқиш ва экспериментал қурилмасини яратиш;

нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаб таркибида олтин бўлган сульфид рудаларини қайта ишлаш технологик жараёнини экспресс назорат қилиш услубини ишлаб чиқиш;

нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаб, мис ишлаб чиқаришидаги перренат аммоний олиш жараёнида сорбцион устунларнинг ренийга тўйинганлик даражасини намуна ажратиб олмасдан аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш;

элементлар таркибини таҳлил қилишнинг нейтрон-радиацион ва нейтрон-активацион усулларини биргаликда қўллаш учун экспериментал қурилмани ва услубиятни ишлаб чиқиш;

нейтрон радиацион таҳлил усулини қўллаб тез кечувчи технологик жараёнларда технологик муҳим элементлар миқдорини оқимда аниқловчи анализаторнинг принципиал схемасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти таркибида олтин бўлган сульфид маъданлари, ренийли технологик маҳсулотлар, химконцентратлар, сульфид рудаларини қайта ишлаш технологик маҳсулотлари, флотоконцентратлар ва кон-металлургияси корхоналарининг технологик чиқиндиларидан иборат.

Тадқиқот предметисифатидатаркибида олтин бўлган сульфид маъданларини флотацион бойитиш жараёнини ва ренийли технологик маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнини ядро-физикавий усуллардан фойдаланиб аналитик назорат қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллашга асосланган элементлар тахлилининг нейтрон-радиацион усули, нейтрон-активацион усули ва ушбу иккита усулни биргаликда қўллаш, шунингдек гамма-спектрларга замонавий компьютерда ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиилк бор олинган натижалардан иборат:

^{252}Cf - радионуклид нейтрон манбаи асосида экспериментал қурилма ишлаб чиқилган, нейтронлар оқимини оптималлаштиришга имкон берувчи геометрия ва конструкцион материаллар, юқори (3÷10 МэВ) ва оралиқ (0,5÷3 МэВ) энергияли нейтронларни самарали секинлатиш тизими танланган, нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясининг аналитик имкониятларини кенгайтиришга имкон берувчи намуналарни нурлатиш ва гамма-нурланишни ўлчаш режимлари танланган;

нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини паст энергияли соҳасини (E < 3 МэВ) қўллаш йўли билан таркибида олтин бўлган сульфид маъданларида ва уларнинг флотацион бойитиш технологик махсулотларида, 10 дақиқа ўлчаш давомида маъданлар ва технологик маҳсулотларда олтингугурт миқдори 0,3% дан 40% гача, намликнинг миқдори 0,2% дан 30% гача бўлган холда, олтингугурт ва намлик миқдорини тезкор аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган;

бир вақтда намуналарни секинлаштирилган нейтронлар оқими билан нурлатиш, олтингугурт ва водород ядроларининг нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясига асосланган, таркибида олтин бўлган сульфид маъданларини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услуби ишлаб чиқилган;

нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаб, мис ишлаб чиқаришидаги перренат аммоний олиш жараёнида, технологик махсулотларда ренийни 15 дақиқа давомида ўлчашдаги аниқлаш чегараси 0,3% дан 10% гача, нисбий хатолик 10% дан ошмаган холда,

сорбцион устунларнинг ренийга тўйинганлик даражасини “on-line” аниқлаш услуби таклиф этилган;

маъданлар ва уларни қайта ишлаш технологик маҳсулотларидаги элементлар таркибини нейтрон-радиацион ва нейтрон-активацион таҳлил қилиш усулларини биргаликда қўллаш учун, 20 дақиқа давомида қўшимча қуйидаги элементларни 10% нисбий хатоликкача аниқлаш имконини берадиган (K-0,2%, Fe-0,4%, Ti-0,3%, Mn-0,2%, Sc-0,4%, Cu-0,2%) экспериментал қурилма ва уни амалга ошириш услубияти ишлаб чиқилган;

нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича тўхтовсиз технологик оқимларда мураккаб аралашмалар компонентлари концентрацияларини тадқиқ этилаётган намунанинг массаси ёки хажми ва зичлигини ўлчамасдан туриб, аниқлаш услуби ишлаб чиқилган ва у аммоний сульфати $(NH_4)_2SO_4$, аммиакли селитра (NH_4NO_3) ва сув (H_2O) дан иборат аралашма компонентларини аниқлашда қўлланилган, ва ушбу компонентлар концентрацияси эмпирик равишда тузилган формула орқали хисобланган;

нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича мураккаб таркибли оқимларда модданинг элементлар таркиби «on-line» анализатори принципиал схемаси таклиф этилган, қурилманинг тажриба намунаси ясалган ва тезкор жараёнлардаги технологик оқимларда енгил элементларни (H, S, N, K) аниқлаш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси усулини технологик жараёнларни назорат қилиш, аниқланадиган элементлар кўламини кенгайтириш ва таҳлилнинг тезкорлигини ошириш учун қўллаш имкониятлари кўрсатилган;

таркибида олтин бўлган сульфид маъданларини қайта ишлаш жараёнида технологик муҳим элементлар концентрациясини аниқлаш услубияти ва экспериментал қурилмаси ишлаб чиқилган ва ГМЗ-1 корхонаси ишлаб чиқаришида қўлланилган;

мураккаб тузилишдаги объектларда элементлар таркибини нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича аниқловчи «on-line» анализаторнинг ишчи макети йиғилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги параллел экспериментларда хар хил шароитда олинган натижаларнинг хар гал такрорланувчанлиги билан, замонавий усуллар ва ўлчаш асбобларининг қўлланилганлиги, ишлаб чиқилган услубларнинг халқаро стандарт наъмуналар билан солиштирилганлиги, паралелл таҳлиллар ўтказилганлиги ва ҳар хил тадқиқотчилар ва лабораториялар натижаларининг ўзаро солиштирилганлиги билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти нейтронлар оқимини самарали секинлаштиришга имкон берувчи оптимал геометрия

танланганидан,^{252}Cf -радионуклид нейтрон манбаи асосидаэкспериментал қурилма ишлаб чиқилганидан ва нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясининг аналитик имкониятлари кенгайтирилганидан, олтин маъданларини ва ренийли технологик маҳсулотларни қайта ишлаш технологик жараёнларини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услубларини ишлаб чиқилганлигидан, моддалар элемент таркибини нейтрон-радиацион таҳлил ва нейтрон-активацион таҳлил қилиш усулларини биргаликда қўллаш учун экспериментал қурилма ва услубият ишлаб чиқилганлигидан ҳамда бир вақтда аниқланадиган элементлар сони оширилганидан ва сезгирлиги яхшиланганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти таркибида олтин мавжуд бўлган маъданлар ва технологик маҳсулотларни қайта ишлаш технологик жараёнларини тезкор назорат қилиш услубларини ва қурилмаларини ишлаб чиқишдан ва мамлакат кон металлургияси саноати ишлаб чиқариш корхоналарида (НКМК ГМЗ-1) қўллашдан, олтин ажратиб олиш самарадорлигини оширишдан ва олтин рудаларини қайта ишлаш хажмини кўпайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши.Таркибида олтин бўлган маъданларни ва рений бўлган технологик маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни флотацион бойитиш технологик жараёнидаги технологик муҳим элементларни (олтингугурт) ва намликни тезкор назорат қилиш учун ишлаб чиқилган услубият ва уни амалга ошириш учун экспериментал қурилмаси Навоий кон металлургияси комбинати давлат корхонасининг ГМЗ-1 Кон бошқармаси ишлаб чиқаришида,таркибида олтин бўлган сульфид рудаларини қайта ишлаш жараёнидаги технологик муҳим элементларни тезкор назорат қилиш учун қўлланилган (Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 04.10.2018йилдаги № 1837-сонли далолатномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши технологик жараённи бошқаришга, олтин рудаларини қайта ишлаш хажмини сезиларли миқдорда оширишга ва олтиннинг ишлаб чиқариш чиқиндисига чиқиб кетишини камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқилган олтин рудаларини қайта ишлаш технологик жараёнини тезкор нейтрон-радиацион назорат қилиш услуби Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг ГМЗ-1 Кон бошқармаси ишлаб чиқаришида олтин рудаларини қайта ишлаш жараёнини тезкор назорат қилиш ва бошқаришда қўлланилган (Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг 04.10.2018йилдаги № 1837-сонли далолатномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши таркибида олтин бўлган сульфид рудаларидан олтинни ажратиб олиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

нейтронлар оқимини оптималлаштириш бўйича олинган экспериментал натижалар ва нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш бўйича элементлар концентрациясини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услубият ФА-

Ф14-Ф068 “ЎзФА ЯФИнинг ВВР-СМ реакторида нейтрон-қамралиш терапияси усулини ривожлантириш учун илмий –техник база яратиш” (2009-2011йй) амалий лойиҳани бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг05.07.2019йилдаги№ 2/1255-1873 -сонли хати).Илмий натижаларининг қўлланилиши ВВР-СМ реакторида (n,γ) реакцияларини тадқиқ қилишда лаборатория тажрибалари учун қўшимча материал сифатида иссиқ нейтронлар оқими зичлигини ўлчашни оптималлаштириш ва нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш бўйича баъзи элементларни аниқлаш имконини берган;

нейтрон-радиацион ва нейтрон активацион тахлил усулларини биргаликда қўллашда мураккаб объектлар элементлар таркибини аниқлаш учун ишлаб чиқилган услубият А-4.056 “Камбағал рудалар ва чиқиндилардан нодир ва қимматбаҳо металлар ажратиб олишнинг юқори самарадорликли услубларини ишлаб чиқиш учун нейтрон-активацион тахлилни қўллаш” (2006-2008) амалий лойиҳани бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг05.07.2019йилдаги№ 2/1255-1873 -сонли хати).Илмий натижаларининг қўлланилиши рудалар ва кон-металлургия корхоналари технологик чиқиндиларида нодир ва қимматбахо металлар элементлари гуруҳини тадқиқ этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Диссертацияда келтирилган асосий тадқиқот натижалари 19 та Халқаро ва Республика илмий конференцияларида мухокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 3 та Ўзбекистон Республикасида патентланган ихтиролар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 13 та илмий журналлардаги мақола ва шулардан2 таси халқаро журналдаги мақола.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, чоп этилган илмий ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидаолиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослигикўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш,

нашр этилган ишларва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Технологик маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнини аналитик назорат қилишнинг ҳозирги замон ҳолати»** деб номланган биринчи бобида таркибида олтин бўлган сульфид маъданларини ва ренийли технологик маҳсулотларни қайта ишлаш технологик жараёнларини назорат қилиш муаммолари ва вазифалари ёритилган. Элементлар таҳлилининг замонавий усуллари ва уларни олтин маъданларини ва ренийли технологик маҳсулотларни қайта ишлаш технологик жараёнларини назорат қилиш учун қўллашнинг физика-техник имкониятлари батафсил мухокама қилинган. Бу мақсад учун талабга энг яхши жавоб берадиган, нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясига асосланган усул танлангани хар томонлама асослаб берилган. Ушбу усулнинг физика-техник асослари қараб чиқилган ва нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича элементлар таҳлилининг алоҳида жиҳатлари таснифлаб берилган. Нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича аналитик мақсадларда дунё миқёсида ўтказилган тадқиқотларнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва ечиладиган муаммолар асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни қайта ишлаш жараёнинитезкор назорат қилиш учун нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси»** деб номланган иккинчи бобида муаллиф томонидан таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни қайта ишлаш жараёнини назорат қилиш учун нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган экспериментал ишлар келтирилган. Мураккаб объектларда элементлар таркибини нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясидан фойдаланиб аниқлаш учун (^{252}Cf)-радионуклид нейтрон манбаи асосида экспериментал қурилма яратиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.Таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни флотацион бойитиш жараёнида технологик муҳим элементларни тезкор аниқлаш учун ишлаб чиқилган услубият таснифланган.

Экспериментал тадқиқотларда намуналар гамма-спектрларини ўлчаш ишлари ярим ўтказгичли Ge (Li)-детекторли спектрометрда ва дастурланувчи LP-4900B типли кўп каналли анализатор жамланмасида амалга оширилган. Детекторнинг сезгир кристал хажми 80 см^3, энергетик ажрата олиш қобилияти^{60}Co изотопининг 1333 кэВ энергияли чизиғида 2,5кэВ га тенг.

Таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни флотацион бойитиш технологик жараёни мухокама қилинган ва ушбу маъданларни қайта ишлаш жараёнида технологик параметрларни назорат қилиш учун жойлар аниқланган. Нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланишининг юмшоқ энергияли соҳасини (3 МэВ гача) тадқиқ қилиш учун (^{252}Cf)– радионуклид нейтрон манбаи асосида экспериментал қурилма ишлаб

чиқилган. (1-расмда қурилманинг ён томондан вертикал кесимдаги тасвири келтирилган).



1-Нейтронлар манбаи, 2- юқори энергияли нейтронларни секинлаштиргичи ва манбанинг гамма-нурланишини ютувчиси, 3- енгил элементлардан иборат бўлган нейтронлар секинлаштиргичи, 4-фон гамма-нурларини ютгичи, 5-иссиқ нейтронлар фильтри, 6-биологик ҳимоя, 7- детектор ва қайд қилувчи аппаратура, 8- намуна ушлагич)

1-расм. Экспериментал қурилма

Нейтрон-радиацион таҳлил учун қўлланиладиган қурилма қатор қарама-қарши талабларга жавоб бериши керак. Тадқиқ қилинаётган намунада иссиқ нейтронлар зичлигини максимал қийматда бўлишини таъминлаш учун намунани нейтрон манбаининг яқинида жойлаштириш керак. Аммо бунда гамма-спектрнинг қуйи энергияли соҳасини ўлчаш қийинроқ бўлади, сабаби нейтронлар оқими ҳимоя қатламини кечиб ўтиши натижасида нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш интенсивлиги камайиб кетади. Агарда тадқиқ қилинаётган намунани детектор яқинида, яъни нейтронларнинг чиқарилган оқимида жойлаштирилса, иссиқ нейтронлар оқими зичлиги камаяди. Гамма-нурланиш спектрининг шакли ва фон миқдори қурилмани ясашда қўлланилган конструкцион материалларга жуда боғлиқ. Шунинг учун қурилмани ишлаб чиқишда ўлчаш геометриясини ва конструкцион материалларни танлаш мураккаб масала ҳисобланади. Шунингдек иссиқ нейтронлар оқими зичлиги қийматини ва нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш – аналитик сигналлари ҳамда нейтронлар

секинлаштиргичининг қалинлиги учун оптимал шароитни назарий ҳисоблаш ва моделлаштириш ўта мураккаб.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, қурилманинг оптимал параметрлари ва ўлчаш геометрияси, иссиқ нейтронлар оқими зичлиги, секинлаштириш тизими эффектив ўлчамлари ва материаллари, 0,025эВ дан 15 МэВ энергиягача бўлган нейтронлар учун қайтаргичлар ўлчамлари муаллиф томонидан тажриба йўли билан топилган.

Таҳлилнинг сезгирлигини ва аниқлигини ошириш, экспериментал қурилманинг нархини пасайтириш, оғирлигини камайтириш, хизмат қилиш муддатини узайтириш мақсадида ^{252}Cf –радионуклид нейтрон манбаини юқори энергияли нейтронларни секинлаштирувчи висмут қатламига жойлаштирилди. Бу ҳолатда висмут бир вақтнинг ўзида ^{252}Cf ядросининг спонтан бўлинишидаги чиқадиган гамма-нурларни ҳам ютиб қолади. Қурилмада нейтронларни қайтарувчи-секинлаштирувчи материалга нисбатан камроқ нейтронлар альбедосига эга бўлган материал секинлаштиргич сифатида фойдаланилди. Ўлчаш вақтида гамма-нурланиш детектори ва тадқиқ қилинаётган намунали кассета умумий висмут қатлами билан ўралган бўлади. Маълумки, унча катта бўлмаган висмут қатламидан ўтган нейтронлар оқимининг катта қисми 1-2МэВ энергиягача секинлашади. Шундай қилиб, радионуклид нейтронлар манбаини оғир элементдан ясалган секинлатгич билан ўраб калифорний манбаининг шахсий гамма-нурланишини сезиларли даражада кучсизлантириш билан бир вақтда, юқори энергияли нейтронларни 1-2МэВ энергиягача самарали секинлатишга эришиш мумкинлиги тажрибада аниқланди ва ундан амалда фойдаланилди. Ундан паст энергияли нейтронлар учун енгил элементлардан ясалган секинлатгичларнинг секинлатиш қобилияти юқори ҳисобланади.

Висмутдан ясалган фильтрдан фойдаланишнинг самарадорлигини тажриба йўли билан таққослаш учун экспериментал қурилмада нейтрон манбаини бир хил шаклдаги ва ўлчамдаги висмут, органик шиша ва парафин стаканларга жойлаб, намуналарнинг гамма-нурланиши спектрининг қуйи энергияли соҳаси ўлчанди. 1-жадвалда баъзи элементларнинг аналитик пиклари юзаси висмутли, парафинли ва органик шишали стаканлардан фойдаланиб ўлчанган натижалар келтирилган.

1-жадвал

Турли хил фильтрларни қўллашда аналитик пиклар юзасини ўлчаш натижалари

Аналитик пиклар, (кэВ)	Парафиндан ясалган фильтр, (имп.)	Органик шиша-дан ясалган фильтр,(имп.)	Висмутдан ясалган фильтр, (имп.)
H- 2223,3	1660	1590	1790
B- 477,6	2470	2385	2620
Mg- 585,1	1260	1210	1290
Cd- 558,5	1850	1760	1980
S- 840,3	980	990	1100

K- 770,4	890	860	1020
Fe- 1725,3	870	840	950
Cu- 608,9	640	620	690

Олтин маъданларида ва уларни қайта ишлаш технологик маҳсулотларида олтингугурт миқдорини нейтрон-радиацион аниқлаш услубияти. Сульфид маъданларини қайта ишлаш технологик жараёнини назорат қилиш учун 0,5 соатгача бўлган вақтда олтингугурт миқдорини аниқлаб берувчи усул талаб этилади. Олтингугурт миқдори бошланғич маъданларда 1% дан 8% гача, флотоконцентратларда 15 % дан 30% гача ва флотация думларида (технологик чиқиндиларда) 0,4% дан 1,0% гача бўлиши кузатилган.

Номаълум намуналарда олтингугурт концентрациясини топиш учун эталон ва тадқиқ қилинаётган намунадаги олтингугурт концентрациясини аналитик сигнал интенсивлиги билан боғловчи соддалаштирилган формуладан фойдаланилган:

$$C_x = C_{эт}(N_\gamma^x/N_\gamma^{эт})(P_{эт}/P_x), \qquad (1)$$

бу ерда C_x и $C_{эт}$ – мос равишда тадқиқ қилинаётган ва эталон намунадаги олтингугурт концентрацияси; N_γ^x и $N_\gamma^{эт}$ - мос равишда тадқиқ қилинаётган ва эталон намунадаги олтингугурт аналитик пикининг юзалари; P_x и $P_{эт}$ - мос равишда тадқиқ қилинаётган ва эталон намуналарнинг массалари.

2-расмда таркибида олтингугурт ва водород бўлган модел намунанинг нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектри келтирилган.

Тадқиқ қилинаётган намуналарда олтингугурт элементи ядросининг 840,3 кэВ энергияли аналитик сигнали интенсивлиги (аналитик пик юзаси) билан олтингугурт концентрацияси орасидаги чизиқли боғланиш аниқланган. Ўтказилган экспериментларда олтин маъданлари ва флотоконцентратларда олтингугурт концентрациясини аниқлашнинг қуйи чегараси аниқланган, у 10% дан катта бўлмаган нисбий хатолик билан ўлчашда 0,3% ни ташкил этган.



2-расм.Таркибида олтингугурт ва водород бўлган намунанинг нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектри

Таркибида олтин бўлган сульфидли маъданларни қайта ишлаш технологик жараёнини назорат қилиш услуби.

Олтин маъданларини бойитишда асосий технологик параметр бўлиб флотация жараёнининг турли босқичларидаги олтингугурт миқдори ҳисобланади.Маъданларни флотацион бойитиш усулида реагентлар бўйича режимлар танланади. Таркибида олтин бўлган сульфидлар(асосан пирит FeS_2ва арсенопирит FeAsS)ни бўш жинслардан ажратиш ва уларни флотациянинг хар хил босқичларида йиғиш учун маъданларни майдалашдан бошлаб, тайёр маҳсулот –флотоконцентрат олгунга қадар керакли реагентлар қўшилади. Шунинг учун бу жараёнда назорат қилиниши керак бўлган асосий технологик параметрлар бўлиб олтингугурт, олтин ва намлик миқдори ҳисобланади. Технологик жараённи назорат қилиш бошланғич хом-ашъё бўлган маъданларда олтингугурт миқдорини аниқлашдан бошланади. Назоратнинг кейинги босқичлари бўлиб 1-чи асосий флотация, 2-чи флотациянинг кўпик маҳсулотлари ва флотацион жараённинг тайёр маҳсулоти – флотоконцентрат ва технологик чиқиндиси – флотация думлари ҳисобланади. Олтин, олтингугурт ва намлик миқдорлари флотация жараёнининг якуний маҳсулоти-флотоконцентратларда назорат қилиниши керак. Технологик жараённи назорат қилиш олтин маъданларини флотацион бойитиш жараёнида сульфидларнинг йиғилишини аниқлаш кўринишида олиб борилади. Жараён давомида сульфидларнинг йиғилиш даражаси тўғрисида экспериментал қурилма ва нейтрон-радиацион услубият ёрдамида аниқланадиган олтингугурт миқдори бўйича хулоса қилинади. Флотация думлари олтинни ажратиб олиниши даражасини билиш учун олтингугурт

миқдори бўйича таҳлил қилинади. Флотация думлари технологик жараённинг охири, яъни ташланадиган қисми хисобланади ва унда олтиннинг миқдори 0,4 г/т дан ошмаслиги керак.

Диссертациянингучинчи **«Мис эритиш ишлаб чиқаришида перренат-аммоний олиш технологик жараёнини назорат қилиш услуби»** деб номланган бобида Олмалиқ кон металлургияси корхонаси (ОКМК) мис эритиш ишлаб чиқаришида рений олиш технологик жараёнини назорат қилиш услубини ишлаб чиқишга бағишланган экспериментал ишларнинг натижалари келтирилган. Технологик чиқиндилардан перренат-аммоний ажратиб олиш жараёнида сорбцион устунларнинг ренийга тўйинишининг тўлиқлигини назорат қилиш услуби ишлаб чиқилган.

Рений нодир элемент ҳисобланиб, ер қобиғида ўз конларига эга эмас. Ўзбекистон Республикасида ренийнинг асосий манбаи бўлиб мамлакатимиз кон металлургия комбинатларидаги (Олмолиқ КМК ва Навойи КМК) мис, мис-молибден ва уран концентратлари ҳисобланади, ва улардан рений йўл-йўлакай ажратиб олинади.

Технологик занжирда назоратни амалга ошириш учун жойларни танлаш ва асослаш.Олмалиқ КМК мис эритиш ишлаб чиқаришидаги технологик чиқиндилардан рений ажратиб олиш технологик жараёнини шартли равишда 4 босқичга бўлиш мумкин: 1) Технологик эритмаларда мавжуд бўлган рений ва бошқа технологик аҳамиятга эга бўлган элементларни ион алмашинувчи смолада танлаб сорбция қилиш; 2) Ион-алмашинувчи смоладан ренийни десорбция қилиш, яъни ренийга тўйинган десорбат олиш; 3) Ренийли эритмалардан молибден ва бошқа элементларни физика-кимёвий таъсир йўли билан ажратиш; 4) Кристаллаш, қуритиш ва тайёр маҳсулот – перренат аммонийни олиш. Таркибида рений бўлган маҳсулотларни қайта ишлашнинг хар бир босқичида рений, молибден ва бошқа элементлар концентрациясини тезкор назорат қилиш талаб этилади.

Лаборатория шароитида сорбцион устунларни акс эттирувчи тажриба устунчаси йиғилди ва нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича сорбентда рений миқдорини масофадан туриб аниқлашнинг принципиал имкониятлари ўрганилган.

Мис эритиш ишлаб чиқаришидаги ренийли технологик маҳсулотларни нейтрон-радиацион таҳлил қилиш услубияти.Технологик эритмаларда ва сорбциядан кейин тўйинган қаттиқ экстрагентда рений ва бошқа элементларни аниқлаш имконияти нейтрон-радиацион таҳлил усулини қўллаб тадқиқ қилинди. Бунинг учун кам қувватли калифорний (^{252}Cf) – нейтрон манбаи (нейтронлар оқими: $5x10^7$ нейтр./сек) асосидаги экспериментал қурилма ишчи макети йиғилди. Тадқиқ қилинадиган намуна етарли даражада катта хажмда, тахминан 1000см^3 қилиб олинди. Нейтронларни радиацион қамралиш вақтида рений элементининг ядроси мураккаб тузилишдаги207,8 кэВ; 214,7 кэВ; 290,7 кэВ; 316,5 кэВ; 5134,8 кэВ; 5348,7 кэВ; 5910,2 кэВ; 6079,5 кэВ; 6119,8 кэВ энергияли гамма-нурланиш спектрини чиқаради. Аналитик пик сифатида 316,5 кэВ энергияли пикни ишлатиш қулайроқ. Таркибида рений бўлган намуна – қаттиқ

экстрагент 1 кг оғирликда эксперименталқурилманинг иссиқ нейтронлар оқими билан нурлатиш ва бир вақтнинг ўзида нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрини ўлчаш позициясига жойлаштирилди. Намуна сиртида иссиқ нейтронлар оқимининг зичлиги $2x10^4$ нейтр/см^{2}сек ни ташкил этган. Спектрнинг бу соҳасида гамма-фон юқори даражада бўлишига қарамасдан ренийга тегишли бўлган пикни ажратиш мумкин. Тажриба йўли билан ренийга тегишли бўлган аналитик пик юзасининг технологик маҳсулотлардаги рений миқдорига чизиқли равишда боғлиқлиги аниқланди. 20 дақиқалик нурлатиш-ўлчаш режимида рений миқдорини аниқлаш сезгирлиги 120 имп./ % ни ташкил этган.

Перренат аммоний олиш жараёнида сорбцион устунларнинг ренийга тўйинганлигини назорат қилиш учун нейтронлар радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаш имкониятларини тадқиқ қилиш.

Сорбцион устунларнинг тўйинганлигини назорат қилиш заруратидан келиб чиқиб, технологик эритмаларда ва сорбциядан кейинги тўйинган қаттиқ экстрагентларда нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаб рений ва бошқа элементлар миқдорини аниқлаш имконияти ўрганилди. Бунинг учун $5x10^7$ нейтр/сек нейтронлар оқимига эга бўлган кам қувватли калифорний (^{252}Cf) –радионуклид нейтрон манбаи асосида эксперименталқурилма ишчи макети йиғилди (3-расм).Эксперименталқурилма қуйидаги қисмлардан иборат: 1-нейтрон манбаи, 2-тадқиқ қилинадиган намуна, 3-секинлатиш тизими, 4-тез нейтронлардан ва тарқалган гамма-квантлардан ҳимоя қилиш тизими, 5-сцинтилляцион NaI(Tl)-детектори, 6-нейтронларни қайтариш тизими, 7-, 8 – ходимларни радиациядан ҳимоя қилиш тизими.

1кг оғирликдаги ренийли намуна – қаттиқ экстрагент эксперименталқурилманинг нурлатиш-ўлчаш позициясига жойлаштирилди ва 20 дақиқа давомида намуна сиртида нейтронлар оқими зичлиги $2x10^4$ нейтр/см^{2}сек бўлганда рений миқдорини аниқлаш учун етарлик статистика олинди.

Мис эритиш ишлаб чиқаришидан олинган сорбентларда рений миқдори 0,3% дан 4,0% гача бўлган оралиқда нейтрон-радиацион усул билан аниқлаш имконияти тажриба йўли билан ўрганилди. 4-расмда рений элементи ядроси чиқарган аналитик сигнал интенсивлигининг сорбент намунасидаги рений концентрациясига боғлиқлик графиги келтирилган.

Шунингдек қурилманинг тадқиқ қилинаётган намуна ўрнида ренийга тўйинган сорбцион устуннинг ўзи жойлашадиган варианти ҳам тадқиқ қилинди. Муаллиф томонидан сорбцион устуннинг ренийга тўйинганлигини назорат қилишга мўлжалланган эксперименталқурилма ишчи макети йиғилган (5-расм). Ушбу вариантда сорбцион устун эксперименталқурилманинг ажралмас қисми сифатида унинг маркизида вертикал ҳолатда жойлаштирилади.



3-расм. Нейтрон-радиацион таҳлил учун экспериментал қурилма

Лаборатория шароитида экспериментал қурилмада рений миқдорини тўйинган сорбентда нейтрон қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометрияси бўйича тезкор аниқлаш имкониятлари ўрганилди. Тажриба йўли билан 20 дақиқа вақт ичида рений миқдорини аниқлашнинг қуйи чегараси 0,3% ёки 3г/кг эканлиги аниқланди. Қаттиқ экстрагент (ТВЭКС) тўлиқ тўйинганида, рений миқдори 4,0% ёки 40 г/кг ни ташкил этади ва бу диапазонда ренийни 1х 10^8 нейтрон/сек қувватдаги нейтрон манбаи асосидаги қурилмада нейтрон-радиацион таҳлил усули ёрдами назорат қилиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи **«Технологик махсулотларнинг элементлар таркибини нейтрон-радиацион таҳлил (НРТ) ва нейтрон-активацион таҳлил (НАТ) қилиш усулларини биргаликда қўллаш имкониятини тадқиқ қилиш»** деб номланган бобида элементлар таҳлилининг иккита ядро-физикавий усулини: нейтрон-радиацион усул ва нейтрон-активацион усулни қўшиб фойдаланиш имкониятларини тажриба йўли билан тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Калифорний-252 радионуклид нейтрон манбаи асосидаги экспериментал қурилма ёрдамида аналитик имкониятларни кенгайтириш мақсадида муаллиф томонидан нейтрон радиацион таҳлил(НРТ) ва нейтрон активацион таҳлил(НАТ) усулларини биргаликда ишлатиш имкониятлари ўрганилган.



4-расм. Аналитик сигнал интенсивлигининг рений концентрациясига боғланиш графиги



5-расм. Сорбцион устуннинг ренийга тўйинганлигини аниқлаш экспериментал қурилмаси

Нейтрон радиацион таҳлил ва Нейтрон активацион таҳлил усулларини биргаликда ишлатиш учун экспериментал қурилма. Бу иккала усулни биргаликда ишлатиш учун муаллиф томонидан $5x10^7$ нейтрон/сек қувватдаги ^{252}Cf –радионуклид нейтрон манбаи асосида экспериментал қурилма йиғилган. 6-расмда экспериментал қурилма схемаси келтирилган

бўлиб, у икки қисмдан иборат: А)Нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини ўлчаш учун қурилма; Б) Намуналардаги қолдиқ активлик гамма-спектрини ўлчаш блоки.

Ўлчаш тизими ярим ўтказгичли Ge(Li)-детектордан (энергетик ажрата олиш қобилияти ^{60}Co изотопининг 1333кэВ энергияли гамма-чизиғида 2,5 кэВ га ва сезгир кристалл ҳажми 80 см^3 га тенг) ва кўпканалли импульслар анализаторидан иборат. Тадқиқ қилинадиган намуналар навбати билан аввал А қисмда нейтронлар оқимида нурлатилади ва нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектри ўлчанади (30 дақиқа давомида), кейин қолдиқ активлик гамма-спектрини ўлчаш учун Б қисмга ўтказилади. Намуна оғирлиги 1200-1400 грамм ва унинг сиртида иссиқ нейтронлар оқими Ф=2 х 10^4 н см$^{-2}$ с$^{-1}$га тенг. Нейтронлар оқимида нурлатиш вақтини 30 дақиқадан 60 дақиқагача оралиқда олинди. Нейтронларнинг радиацион қамралишидаги гамма-нурланиш спектри ўлчаб бўлинганидан кейин тадқиқ қилинаётган намуна қалинлиги 5 см бўлган қўрғошин экран билан хар томонидан ўралган ўлчаш блокига ўтказилди ва унда намунадаги қолдиқ гамма-активлик спектри ўлчанди. Спектрни ўлчаш учун ўлчами 80 см^3 бўлган ярим ўтказгичли Ge(Li)-детектори қўлланилди.

Нейтронларнинг қамралишидаги гамма-нурланиш спектри бўйича қуйидаги элементлар миқдорини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди: H(2223 кэВ); S(840,3 кэВ); Ti(1381,5 кэВ и 1585,3 кэВ); Cu(609 кэВ).Қолдиқ активлик гамма-спектрини идентификация қилиб, намуна таркибида қуйидаги изотопларни миқдорини аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди: ^{42}K(1524,7 кэВ); ^{46}Sc(889,2 кэВ и 1120,5 кэВ); ^{51}Ti (928,5 кэВ); ^{59}Fe (1099,2 кэВ и 1291,6 кэВ); ^{101}Mo(1187 кэВ и 1357 кэВ); ^{198}Au (411 кэВ).

Диссертациянинг **«Технологик оқимларда элементлар таркибини нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш ёрдамида«on-line» аниқлашнинг физико-техник ва услубий асосларини ишлаб чиқиш»** деб номланганбешинчи бобида технологик оқимларда ва бошқа тез кечувчи жараёнларда элементлар таркибини назорат қилиш услубиятини яратиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.



6-расм. НРТ ва НАТ усулларини биргаликда ишлатиш учун экспериментал қурилма схемаси

Баъзи енгил элементларни аниқлаш имкониятини ва ядро-физикавий параметрларини ўрганиш.

Енгил элементлар концентрациясини технологик оқимларда аниқлаш учун нейтронлар қамралишидаги гамма-нурланиш спектрометриясини қўллаш физикавий моҳияти бўйича ягона таҳлил усули ҳисобланади. Энг кўп тарқалган усул ҳисобланган –рентген усулини енгил элементларни аниқлаш учун қўллаш имкони йўқ. Яна битта қуйлайлик томони енгил элементларни нейтронлар оқимида нурлатишда узоқ яшовчи радионуклидлар ҳосил бўлмайди. Қуйидаги ядро реакциялари $^{1}H(n,\gamma)D$; $^{14}N(n,\gamma)^{15}N$; $^{32}S(n,\gamma)^{33}S$ бўйича водород, азот, олтингугурт элементлари концентрациясини аниқлашда ядро реакцияси маҳсулотлари радиоактив эмас. Бор концентрациясини аниқлаш учун $^{10}B(n, \alpha)^{7}Li$ ядро реакциясидан фойдаланиш мумкин. Уйғонган ^{7}Li изотопи бир зумда 478 кэВ энергияли гамма-нурланиш чиқаради ва шу нурланиш интенсивлиги бўйича бор (B) элементи миқдори аниқланади. Ушбу ядро реакциясининг кесими анча катта (σ = 759 барн), демак бор(B)миқдорини юқори сезгирликда аниқлаш имконияти мавжуд.

Шунингдек водород (H) элементи ҳам бошқа усуллар билан аниқлаш учун қийин бўлган элемент хисобланади. Иссиқ нейтронларнинг радиацион қамралишида водород$^{1}H(n,\gamma)D$ реакцияси бўйича ($t \leq 10^{-13}$ сек) вақт ичида 2223кэВ энергияли гамма-нурланиш чиқаради. Ушбу реакциянинг кесимиσ(E) = 332 мбарнга тенг, гамма-квантларнинг чиқиши I_γ = 100%.

Водород пики бўйича намунадаги намлик миқдорини ўлчаш мумкин. Тадқиқ этилган намуналарда намликни аниқлаш диапазони 0,3% дан 30% гача бўлган.

“On-line”анализаторнинг принципиал схемаси. Олинган натижалар асосида муаллиф элементлар таркибини “on-line” аниқлаш бўйича анализаторнинг принципиал схемасини таклиф этган. Тадқиқотлар натижасига кўра “On-line” анализатори қуйидаги қисмлардан иборат (7-расм): 1-нейтрон манбаи (нейтронлар оқими 10^8 нейтр/с.), 2-юқори энергияли нейтронлар фильтри, 3-секинлатиш тизими, 4-тез нейтронлардан ва тарқалган гамма-квантлардан ҳимоя қилиш тизими, 5- , 6- ходимларни ҳимоя қилиш тизими, 7- таркибида водород иштирок этмайдиган материаллардан ясалган (графит, тефлон, фторопласт-4) масса ўтказгич, 8 – детекторни ҳимоя қилиш фильтри, 9- ҳал этиладиган вазифага кўра сцинтилляцион NaI(Tl) ёки яримўтказгичли Ge(Li) детекториқўлланилади. Бундай қурилманинг ўлчамлари олдинги экспериментал қурилмаларни баён этишда келтирилган.



7-расм. “On-line”анализаторининг принципиал схемаси

